



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (12.963)

Баҳоси эркин нарҳда

24
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Ширинликларни каттаю кичик бирдек яхши кўради. Инсонга хуш кайфият, дастурхонларга кўрк бағишлайдиган бу неъмат эл-юрт фаровонлигининг белгиларидан бири. Зеро, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл бўлгандагина ширинликлар «кўзга кўринади».

БИР МАҲСУЛОТНИНГ БИР НЕЧА ХИЛИ МУҲАЙЁ

Кўп қаватли уйимизга ёндош мўъжазгина дўконга кирдим. Пештоқига «Minimarket» деб ёзилган бўлсада, ҳамма нарса бор. Зарур маҳсулотларни олдим-да, шоколад харид қилмоқчи бўлдим. Алоҳида растада тартиб билан тахланган, бир-биридан чиройли қадокланган шоколадларнинг ёрлигини ўқий бошладим. «Қай бирини танлашни билмаяпсаними?» деди таниш овоз. Ўғирилиб қарасам, кўшнимиз Мақсуда хола. «Биз топилганини ер эдик, ҳозирги болалар танлаб ейди, минг шукр, — дейди Мақсуда хола. — Бундан 25-30 йил аввал биров ҳали тўкинлик замони келади, ҳамма нарса мўл-кўл бўлади, деса ҳеч ким ишонмасди. Чунки магазинлар куп-курук,

озик-овқат корхоналари йўқ эди-да. Ширинликларни-ку айтмасаям бўлади. Ҳозиргидек ҳар куни ейиш қайда, тўй-ҳашамга топиш ҳам амри-маҳол эди. Фақат айримларгина казо-казо танишларини ишга солиб топарди конфетларни. Бугун сотувчилар дўконидан конфет олганингизга хурсанд бўлади. Қаранг, одамлар учун керакли ҳамма нарса муҳайё. Яна бундай дўконлар ҳамма жойда, ҳар бир маҳаллада бор. Уларни кўриб, Яратганга шукр айтаман, юртимизни, Юртбошимизни дуо қиламан.

Болалигим ёдимга тушди. 89-йилнинг киши. Янги йил байрамига яқин уйимизга аммам кириб келди. «Бормаган жойим қолмади. Ширинликсиз дастурхоннинг кўрки бўлмайди.

Ўзимизнинг дўконига бир ой олдин тайинлаб қўйгандим. Озгина келган экан, одамлар талаб кетибди. Шунга сизларда бўлса, озроқ беринглар, деб илтимос билан келгандим», деди аммам ерга қараб.

Отам ҳам ноилоҳ елка қисди. Бизнинг уйда ҳам шу ахвол эди. Ўша пайтлари кўча бошида савдо қиладиган хола хўрозқанд олиб келса, биз учун байрам бўлиб кетарди. У ҳам бўлмаганда қошиққа шакарли сув солиб, оловда қиздириб, қўлбола хўрозқанд ясардик, ўшани ҳам талашиб ер эдик.

Бугун жиянчаларимни, кўшни болаларни ўйнатиб, баъзан дўконга олиб бораман. Билмасдан сал мундоқроқ конфет олиб берсам, яхши-

сини кўрсатади. Ҳали тили чиқмаганлари ҳам яхши-ёмоннинг фарқига боради, танлаб ейди.

Ҳозирги болаларни алдаб бўлмайди. Булар ҳамма ширинликни татиб кўрган, яхшисини еб ўрганган, дейди сотувчи йигит.

Бугунги болалар яхши ейди, яхши киди. Чунки бунинг учун яхши шароит, кенг имконият бор. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида халқимиз тўкинликка, фаровонликка эришди.

(Давоми 2-бетда)



Ягонасан, муқаддас Ватан!

ВАТАННИ КУЙЛАШ — ОЛИЙ САОДАТ

«Туркистон» саройида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танлов она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачигидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни ўсиб келаётган ёш авлод қалбига камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан тирас, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан ўтказилиб келинмоқда. Ушбу танловнинг туман саралаш босқичлари 20 июндан 1 июлгача барча туманларда юқори савияда ташкил этилиб, унда 98 нафар ёш ижрочи қатнашди. Кўрик-танловнинг шаҳар босқичида туманлардан қўлиб бўлган 41 нафар иштирокчилар истеъдод ва иқтидорларини намойиш этишди.

Президентиш ташаббуси билан энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида ўтказилиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови маданият ва санъат соҳасига, шунингдек, санъаткорларга нисбатан алоҳида ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур танлов

халқимиз орасидан етишиб чиқаётган истеъдодли ёшларга ўз маънавиятини тўла намоён этишлари учун катта имконият яратиб беришдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Мен танловга Икбол Мирзо шеъри, Мусахон Нурматов мусикаси билан «Ўзбекистонда» номли қўшиқни тайёрлаб келдим, — дейди танлов қўлиби В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицей битирувчиси Шахбоз Эрнazarов. — Бундай кўрик-танловлар бизни овоз ва обод Ватанни мадҳ этишга, тинч-осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ўргатади. Яқинда Россиянинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Зажги свою звезду» деб номланган XVI халқаро кўрик-танловда қўлиб бўлдим. Бу ютугим Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли кириш имконини берди. Жуда бахтлиман, орзуларим, мақсадларим бир олам.

Тадбир якунида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови қўлиблар танловнинг Республика босқичига йўллана олдилар.

Шоира МУХАМЕДОВА
СУРАТДА: «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳа.

Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати юқори даражада ривожланган Ўзбекистонда муҳим амалий аҳамиятга эга янги полимер материаллар олиш учун катта ҳажмдаги чиқинди ресурслари мавжуд. Бу нафақат қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки чиқиндилардан самарали фойдаланиш масаласини ҳал этишда ҳам ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда табиий ипак ишлаб чиқариш азалдан ривожланган бўлиб, ипак қурти чиқиндилари йилига қарийб 8-10 минг тоннани ташкил қилади. Бу хомашё хитин табиий полимерлари — хитозан ва ундан олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун истиқболли база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хитин табиатда кенг тарқалган органик бирикмалар тоифасидан бўлиб, целлюлозадан сўнг иккинчи ўринда туради. Айни пайтда жаҳонда йилига 3 минг тоннадан зиёд хитин ва хитин маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Малайзия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, АКШ, Хиндистон ва Россия асосан пўстлоқли чиқиндилар, денгиз маҳсулотларидан олинган, қанқарибда бўлган маҳалла хомашё ишлаб чиқаришда етакчи бўлиб келмоқда. Шунингдек, тузилиши ва хусусиятига кўра турли материаллар олиш учун хитиннинг кимёвий ўзгаририлган ҳосилаларидан фойдаланишда имкониятлар кенгаётгани ушбу полимерни ишлаб чиқариш ва уни турли соҳаларда қўллаш борасида истиқболли материаллардан бирига айлантирмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари яхшилланган маҳаллий хомашё — полисахарид асосида биологик парчаланадиган, экологик хавфсиз полимер ва нанополлимер тизимлар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ушбу тизимлардан қишлоқ хўжалиги, ветеринария, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланиш мумкин.

Марказ ходимлари томонидан ипак қурти гўмбагини комплекс қайта ишлаб, ундан мой, оксил, хитин, хитозан ва хитозан маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берадиган инновацион технология яратилди. Бу маҳсулотлар фармацевтика, парфюмерия-косметика, лок-бўёқ, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати, тиббиёт, чорвачилик ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Хитозан табиий полимерини ноёб хусусиятлари ва ундан иқтисодийнинг саксондан ортқ йўналишида фойдаланилаётгани боис XXI аср полимери, деб аташади.

Биологик фаол полимер, экологик хавфсиз, биологик парчаланадиган зарарсиз препарат ҳисобланган хитозан қишлоқ хўжалигида уруғлик материални, мева-сабзавотларни бактерия ва зараркундалардан ҳимоя қиладиган, тупроқни нематодлардан тозалайдиган восита, узоқ муддатли таъсир кучига эга ўғит сифатида кенг қўлланилмоқда ва шу тариқа қишлоқ хўжалиги экинларини сақлаш ҳамда ҳосилдорлигини оширишга ёрдам бераётди.

Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида олиб борилаётган тадқиқотлар ўсимликларни ҳимоя қиладиган полимер воситалар яратиш, полимерларнинг турли организмлар (уруғлар) билан ўзаро таъсирини, уруғларга биологик таъсир кўрсатиш механизмларини ўрганишда истиқболли илмий йўналишга айланди.

Марказ илмий ходимларининг самарали тадқиқотлари натижасида экологик хавфсиз уруғ дориллаги ва ривожланишни тезлаштирадиган таъсирга эга «ЎЗХИТАН» ишлаб чиқилди. Бу препарат қишлоқ хўжалиги экинларига (чигит, бошоқли дон, сабзавот, поллиз ва озуқа экинлари) экишдан аввал ишлов бериш учун қўлланилади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига экишдан аввал экологик хавфсиз, биологик фаол полимерлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг полимер композициялари билан ишлов бериш услуби — капсулалаш технологияси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча
маибалардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда «Давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги — ННТлар дастурлари, жамоат ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар сифатли ва самарали бажарилишининг кафолати» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ҳамда «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа қатламларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

• Наманган шаҳрининг Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Кексаларни эъозлаш йили ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб «Сехрли наволар» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Байрам тадбирига вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан нуруний отахон ва онахонлар таклиф этилди.

• Нукусда 2015 йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва галдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

• Навоийда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Энг яхши деб топилган 35 тадбиркорлик ишланмаларига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ҳолда имтиёзли кредитлар ажратиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди. 10 нафар истиқболли гоё соҳиблари танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Фарғонада маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Лос-Анжелесда яшин урган самолёт эсон-омон аэропортга қўнишга мурваффақ бўлди. Alaska Airlines компанияси самолёти Лос-Анжелес аэропортидан Вашингтонга йўл олаётганди. Унинг бортида 159 нафар йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзоси бўлган. Чақмоқ зарбидан сўнг учувчи самолёт шикастланган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ортга қайтишга қарор қилди. Ҳодиса оқибатида жабрланганлар йўқ.

• Volkswagen Golf ёқилги тежаш бўйича рекордни янгилади. Дизель двигателли ва олти босқичли механик узатиш қутиси билан жиҳозланган Volkswagen Golf (хэтчбек) ёқилги тежаш бўйича Гиннес рекордини янгилади. Эришилган бу ютуқ тўлалигича «АҚШнинг 48 штатини босиб ўтган гибрид бўлмаган автомобиллар орасида ёқилгининг энг кам сарфи» дея номланади.

• Хитой компанияси Iphone 6sни Appleдан олдин чиқарди. Хитойлик ишлаб қиувчилар iPhone 6sнинг расмий тақдимотини кутиб ўтирмасдан, гаджетнинг ўзларига тегишли вариантини намойиш этди. Пушти рангдаги қалбаки смартфон ҳақиқийсидан ташқи кўриниш бўйича кўп ҳам фарқ қилмайди. Уларни ажратувчи ягона фарқ ранг бўлди. Бундан ташқари, роликда акс этган смартфонга iOS ўрнига Android операцион тизими ўрнатилганини ҳам кўриш мумкин.



Ислом Исмоилов олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳолининг кундалик истеъмол товарларига бўлган талаби юртимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланмоқда. Деҳқон бозорларига кирган кишининг кўзи қувнайди. Пештахталар кишин-ёзин сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан тўла.

Дунёнинг кўплаб давлатлари мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини четдан сотиб олади. Бу уларнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда жаҳонда қузатилаётган экологик муаммолар, иқтисодий инқироз оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми камайиб, нархи янада ошиб бормоқда. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижликлар юртимизда етиштирилган ноз-неъматларнинг таъмига ва нархига катта ҳавас ва ҳайрат билан қарайди.

Катта-катта супермаркетлар, йирик савдо марказларидан тортиб кичик дўконларгача бир маҳсулотнинг бир неча хили тахт қилиб қўйилган. Хусусан, қандолат маҳсулотларининг конфет, карамель, шоколад, батончик, вафли каби ўнлаб номдагиси мавжуд. Улар-

корхонада илғор технологиялар асосида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхонадаги маҳсулот тайёрлаш ва қадоклашда фойдаланиладиган замонавий ускуналар Германиянинг «Hansel Processing» ва Италиянинг «Аста» каби етакчи компанияларидан келтирилган. «Lazzat Karamel» йилига тўрт минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу саноат муассасаси томонидан тайёрланаётган ўттиздан ортик турдаги лаззатли ширинликлар истеъмолчиларга маъқул келаётди.

— Корхонамизда тайёрланаётган қандолат маҳсулотларининг сифати, ширинлиги хорижликдан асло қолишмайди, — дейди корхона бош директори Абдуллажон Иброҳимов. — Маҳсулотларимиз мамлакатимиздаги барча хонадонларга кириб бораётганидан хурсандимиз. Ўзбекистонда бизнес учун яратилган кенг имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва шу орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Корхонада олтишга яқин ишчи меҳнат қилаётди. Уларнинг кўпчилигини касб-хунар коллежлари ва олий таълим

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу услуб экиладиган уруғлар хусусиятларини яхшилаш, ўсимликларнинг касалликка чалилишини камайтириш, таъсир кўрсатувчи моддаларни асраш, уруғнинг соғлом униб чиқишини таъминлаш ва ҳосилдорликни ошириш имконини беради.

Марказнинг тажриба корхонасида янги табиий полимер — иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида қўллаш мумкин бўлган хитозан ва унинг асосида «ЎЗХИТАН» препаратини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат кимё комиссияси мазкур препаратни амалиётда қўллашга рухсат берди. «Капсулаланган уруғлар», «ЎЗХИТАН», «Хитосилк» учун патент ва товар белгилари олинди.

Мамлакатимизда экишдан аввал уруғларга бу препарат билан ишлов бериш технологияси самарали ва иқтисодий фойдали услуб сифатида кенг қўлланилмоқда. Негаки, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқилган «ЎЗХИТАН» 2014-2016 йилларда маҳаллийлаштириш дастурига киритилди ва қўллаш учун тавсия этилди.

2010-2015 йилларда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси заводларида «ЎЗХИТАН» препарати билан ишлов берилган капсулаланган қобиқсиз чигит ҳажми 6,5 минг тоннадан ошди. Бундай чигит барча вилоятлардаги фермер хўжаликларининг 130 минг гектардан зиёд майдонига экилди ва қатор фермер хўжаликларида белгиланган кўрсаткичлардан ортик ҳосил олинди.

Шундай қилиб, инновацион илмий ишланмаларни мамлакатимиз агро-саноат комплексига кенг қўллаш иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш, технологияларни модернизация қилиш, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаштиришга хизмат қилади.

С. РАШИДОВА,

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий

университети ҳузуридаги

Полимерлар кимёси ва физикаси илмий

тадқиқот маркази директори, академик.

ЎЗА

Анжуманлар

ЖАМИЯТДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ

Пойтахтимиздаги «Гранд-орзу» меҳмонхонасида БМТ Аҳолишунослик фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизлар ролининг омийвий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзусида уч кунлик семинар-тренинг ўтказилди.

Соҳа мутахассислари, қатор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этган мазкур тадбир БМТ Аҳолишунослик фонди — UNFPA томонидан молиялаштирилаётган Ўзбекистон ҳукумати ва UNFPA орасида 2010 йил 25 мартда 2010-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилди. Семинарнинг мақсади журналистларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аёлларнинг ўрнини мохирона ҳамда таҳлилий ақс эттиришлари борасидаги салоҳиятларини ошириш, мавзунинг аҳамияти, хотин-қизларнинг давлат ҳамда жамиятдаги ўрнини оширишга қаратилган масалаларни ҳолисона ёритиш ва чуқур ёндашувга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги роли ҳамда маъқулни оширишда ОАВ муҳим ўрин тутади, шу боис ҳам мазкур тренингнинг ўтказилиши долзарб аҳамият касб этади, — дейди доцент Наргис Қосимова. — Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий етуклиги аёлларга муносабати билан белгиланган экан, хотин-қизларни ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларга барча масалаларда кўмаклашиш — буларнинг барчаси қадимдан халқимизга хос хусусиятлардан бири саналади.

Семинар давомида иштирокчилар интерфаол сессия доирасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида барқарор тенглик андозаларини ҳамда ривожланган фуқаролик жамиятида хотин-қизларнинг ўрнини ёритиш бўйича профессионал матнлар тайёрлаш методларини ўзлаштириш устида ишлашди. Тадбир якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,

Музаффар МУҲАММАДЖОНОВ

БИР МАҲСУЛОТНИНГ БИР НЕЧА ХИЛИ МУҲАЙЁ

нинг ҳар бири яна кўплаб турларга ажратилади. Биргина шоколаднинг қора, оқ, сутли, ёнғоқли, майизли, аччиқ, суюқ каби бир неча хилини учратиш мумкин. Уларнинг нархи, ҳажми ва кўриниши ҳам турфаки, энг нозиктаб ҳаридор ҳам ўзи хоҳлаган маҳсулотни топа олади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор бунда муҳим омил бўлаётди. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида кўплаб корхоналар фаолият юритмоқда.

Пойтахтимиздаги «Glory Food» масъулияти чекланган жамиятида «Estello», «Morelia», «L'Amore», «Kelly», «Paris», «Valencia» номли сифатли шоколадлар тайёрланмоқда.

«Tufin», «Candy Gold» ва «Choco World» каби қатор масъулияти чекланган жамиятлар томонидан ҳам кўплаб турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда. Бир пайтлар нафақат қишлоқ жойларда, ҳатто йирик шаҳарларда ҳам кам учрайдиган ишлаб чиқариш корхоналари бугун юртимизнинг деярли барча ҳудудларида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бу жараёнга хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва салмоғини оширишга хизмат қилаётди.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Lazzat Karamel» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси улардан бири. 2011 йилда ташкил этилган мазкур

муассасаларини битирган ёшлар ташкил қилади. Қулай иқтисодий муҳит, илғор технология ҳараён, замонавий саноат дастгоҳлари ва жамоанинг ишга муносабати натижасида ушбу муассаса қисқа фурсат ичида мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бирига айланди. Бунини 2014 йилнинг июнь ойида ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари алоҳида эътироф этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига ихтисослашган қатор хорижий компаниялар ушбу қўшма корхона билан ҳамкорликка қизиқиш билдирди.

Мустақиллик барча соҳалар қатори озиқ-овқат саноатида ҳам туб бўлишлар ясади. Инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган бу ислохот самаралари «танқисил» сўзини истеъмолдан чиқариб ташлади. Бир пайтлар байрамларда ҳам топилаётган нозматлар бугун одамларнинг кундалик рақсонидан жой олди.

Истиқлол шарофати, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти эвазига қўлга киритилган бундай муваффақиятлардан қалбимизда беихтиёр гурур туямиз. Бу туйғу бизни мустақиллик ва тинчликни қадрлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳисса қўшишга ундайди. Шукр ва ҳамжihatлик юртимиздаги тўқилик, файзу баракани янада оширади.

Ирода УМАРОВА,

ЎЗА шарҳловчиси

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Пойтахтимизда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, касб-хунар ўргатиш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўз ҳаёт йўлларини топишида яқиндан кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Шу боис мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар жиҳатдан етук инсон этиб вояга етказиш, катта ҳаётга қадам қўётган ёшларга яқиндан ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш йўлида ўтказилаётган тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши, тижорат банклари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унинг жорий йилги саралаш босқичларида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган тўрт юздан зиёд ёшлар ўзларининг бизнес режалари билан иштирок этишди.

— Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда ёшларни ушбу соҳага

жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар кенгаши таъбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Мазкур тадбир ёшларимизни ушбу йўналишга бўлган қизиқишини орттиради ҳамда уларнинг бизнес фаолиятини бошлашида бир туртки бўлиб хизмат қилади.

Мазкур танлов ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бу соҳадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали бандликни таъминлаш, ёш оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини яхшилаш, шунингдек, юртимизда кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишига муносиб ҳисса қўшади.

Уч кун давомида иштирокчилар учун мутахассислар томонидан тадбиркорликнинг барча турлари бўйича махсус ўқув машғулоти ташкил этилди. Унда ёшлар тадбиркорликка оид билимларини ошириш билан бирга ўз бизнес режаларини шакллантирдилар.

Тадбирнинг учинчи кунда бизнес режалар тақдими бўлиб ўтди. «Энг яхши» деб топилган 10 нафар бизнес-ғоя муаллифи танловнинг республика босқичига йўланма олишди. Танловда фаол иштирок этган йигирма беш нафар ёшлар ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан имтиёзли кредит олиш учун тавсия этилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Мамлакатимизда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини, шу жумладан, ногиронларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса мустақиллик йилларида бу борада пухта қонуний-ҳуқуқий база яратилди, чуқур ислохотлар олиб борилди ва давом эттирилмоқда.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа Қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётди. Юртошимиз ташаббуслари билан ҳар бир янги йилнинг у ёки бу ном билан аталиши ва тегишли Давлат дастури ишлаб чиқилиб, тўлиқ амалга оширилиши замирида ҳам, энг аввало, халқимиз манфаатлари, жамиятда меҳр-оқибати, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож тоифаларга кўмак бериш каби эзгу мақсадлар муҳимдир.

Юртимизда турмуш фаолияти ва имконияти чекланган шахсларни ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда реабилитация қилиш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, жамият билан уйғунлаштириш учун шароитлар яратиш, ҳар қандай камситишлардан ҳимоя қилиш, бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш қонун билан кафолатланган. Бошқача айтганда, ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, улар учун имкониятлар тенглигини ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимини, ногиронларнинг касбий тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим олишини таъминлаш каби вазифалар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кекса авлодга, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш ҳамда улар ҳаёти мазмунини ва сифатини ошириш мак-

садида ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Чунончи, жорий йилнинг учинчи чорагида «2015 — 2020 йиллар мобайнида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш Давлат дастури тўғрисида»ги Президент Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар иштирокида ушбу Қарорга мувофиқ тасдиқланадиган Давлат дастури шакллантирилмоқда.

Ижтимоий муҳофаза

НОГИРОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир

Шунингдек, ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш жараёнини тўлиқ ўзига қамраб олувчи «Protez» дастури ишлаб чиқилипти. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг 26-бандига мувофиқ, муҳтож ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлашни 2 баравар ошириш ҳамда ушбу мақсадлар учун бюджетдан 2,4 млрд. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш муассасалари ва Молия вазирлиги ҳузуридаги тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ҳамкорлигида муҳтож ногиронларнинг маълумот базаси шакллантирилди. Ушбу фуқаролар жорий йилда 12 мингдан ортик протез-ортопедия маҳсулотлари ва 4,5 мингдан зиёд реабилитация техник воситалари билан таъминланади.

Ногиронлар ижтимоий ҳимоясида уларни реабилитация қилиш алоҳида ўрин тутади. Аниқроқ айтганда, ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади уларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чи-

қариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятининг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборат. Айни пайтда пойтахтимизда 200 ўринли Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази, ҳудудларда ҳамми 500 ўринли 10та Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш марказлари фаолият юритмоқда. Ушбу марказларда ҳар йили 15 мингдан ортик ногиронга стационар шароитда реабилитация хизматлари кўрсатилаётди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги Қонуннинг 14-моддасида ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури (РЯТД) бўйича қоидалар белгиланган бўлиб, РЯТД — ногирон учун реабилитация қилишнинг мақбул чора-тадбирлари мажмуи бўлиб, улар ногирон организмнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятининг муайян турларини бажариш қобилиятининг бузилган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган тиббий, касбий, ижтимоий ва бошқа реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади. Алоқадор ташкилот, корхона ва муассасалар, реабилитация марказлари РЯТД бўйича ўз фаолиятларини «Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури тўғрисидаги Низом», ТМЭК амалиётида РЯТДни шакллантириш ва қўллаш бўйича услубий қўлланма асосида ташкил этишган.

Ижтимоий ҳимоя масаласи фақатгина давлат ёки ҳукуматнинг, уларга қарашли корхона ва муассасаларнинг, хайрия ва нодавлат ташкилотларнинг иши бўлиб қолмаслики керак. «Ижтимоий» сўзи кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб, деган маънони англатишига эътибор берсак, бу муҳим масаланинг бутун жамиятга, барчамизга ва ҳар биримизга дахлдорлиги яққол ойдинлашади. Ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатимиз сиёсати айнан шундай қараш ва ёндашувга асосланади. Бинобарин, ижтимоий ҳимоя нафақат давлат, балки жамият томонидан ҳам онгли равишда амалга оширилса, бу борада қўзланган мақсадга тезроқ эришилади.

Нодира СОЛИХОВА,

103-сонли Сергели

туманлараро ТМЭК раиси вазифасини

бажарувчи

Президентимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини бориб кўр, деган нақл бежиз айтилмаган. Бугун шаҳару қишлоқларимиздаги бозорларда харидор ва сотувчи учун зарур қулайликлар яратилган. Айниқса, нарх-наво харидор талабидан келиб чиқиб шакллантирилаётгани, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар кўриллаётгани натижасида бозорларимизда тўқинлик ва файзу барака таъминланмоқда.

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ПОЙТАХТЛИКЛАРГА ТУҲФАСИ



фермер хўжалиги фаол иштирок этмоқда.

Дехқонларга пойтахт бозорларида тўрт минг тўрт юз қирқдан зиёд раста ажратилган. Мисол учун, Самарқанд вилоятидан келган ўттизга яқин фермер Юнусобод ва Олой дехқон бозорларида, андижонлик ўттиз бешта фермер Аския ва Эски жўва дехқон бозорларида ўз маҳсулотини харидорларга тақдим этмоқда. Шу кунгача аҳолига 420 тоннадан ортиқ картошка, 250 тонна пиез, 140 тоннага яқин сабзи, 610 минг дона тухум, мева, полз ва гўшт маҳсулотлари етказиб берилди.

Фермерларнинг тўғридан-тўғри бозорларга жалб этилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини суғий тарзда оширишнинг олдини олиш, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида сифатсиз товарлар сотилишига чек

қўйишда яхши самара бермоқда, дейди Юнусобод тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Элдор Турғунов. – Жумладан, Юнусобод дехқон бозорига Самарқанд ва Тошкент вилоятлари дехқон ва фермерлари йигирмадан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқда. Савдога қўйилган, лаборатория текширувидан ўтган маҳсулотларнинг сифати баланд, нархи анча арзон.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд вилояти бошқармаси мутахассиси Бекзод Пайшановнинг айтишича, ярмаркада Тойлоқ, Булунгур ва Ургут туманларидаги йигирмадан зиёд агрофирма ва фермер хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавот, узум, картошка, пиез сотилмоқда. Бозорда эликдан зиёд рас-

та, омборхона, гўшт ва тухум маҳсулотлари учун совутичлар ажратилгани фермерларга кўмак бўлмоқда.

– 26 гектар ерда боғ ва тоқзор ташкил этганмиз, – дейди Тойлоқ туманидаги «Султонов Маъди Шодиевич» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Маъдиев. – Жорий мавсумда сабзавот экинларидан юқори ҳосил олдик. Картошканинг ҳар гектаридан 26 тонна атрофида ҳосил етиштиришга эришдик. Пиез ва лавлаги ҳам мўл бўлди. Айни кунларда кечки картошка экинни бошладик. Уларнинг ҳам асосий қисмини пойтахтимиз аҳолисига етказиб беришни режалаштирганмиз.

– Хўжалигимиз мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган, – дейди Булунгур туманидаги «Умар Холжигитов дала-боғлари» фермер хўжалиги раҳбари Жамол Холжигитов. – Маҳсулотларимиз нархи арзонлиги харидорларга манзур бўлаётди. Бу ерда савдо қилишимиз учун барча қулайлик яратилган.

Паркент туманидаги «Қорақалпоқ Аббосхон» фермер хўжалиги вакили Гулнора Миржамолова ҳам фермер хўжалигида етиштирилган помидор, сабзи, лавлаги, пиез ва бошқа маҳсулотлар савдоси билан банд.

– Мазкур ярмарка аҳолини сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашда кенг имкониятлар яратмоқда, – дейди хўжалик раҳбари Элмурод Миржамолов. – Бозорларда фермерлар учун алоҳида жой ажратилгани, уларнинг тўловлардан озод қилингани нафақат фермерлар, балки харидорларнинг ҳам манфаатдорлигини оширмоқда. Жой харажати кам бўлса, йўлда ҳар хил тўсиқлар бўлмаса, маҳсулот нархи арзон, сифати юқори бўлиши тайин.

– Сотувга қўйилган сархил медалар биз учун ажойиб туҳфа бўлди, – дейди харидор Роҳат Абдишукурова. – Шундай обод ва фаровон юрда яшаётганимиздан бахтиёримиз. Айрим давлатлардаги нотинчликлар, турли офатлар, озиқ-овқат тақчиллиги ҳақида кўп эшитамиз. Шукрки, юртимиз тинч, осойишта. Турмушимиз фаровон, бозорларимиз тўқин-сочин. Бундай қулай имконият ва шароит учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Ҳа, юртимизда амалга оширилаётган ишлохотлар юрт ободлиги, халқ фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

КЕКСАЛАР ЎГИТИ БИЗГА НАМУНА

Юнусобод тумани «Отчопар-1» маҳалла гузарига туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Оила» маркази билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида «Аждодлар ўғити ёшларга мерос» ҳамда «Кексалар ибрати бизга намуна» мавзуларида маънавий-маданий тадбир ташкил этилди.

Унда туманда жойлашган Жомеъ масжиди имом хатиби, «Отчопар-2», «Оқтепа», «Янгиобод» маҳаллалари аҳолиси ҳамда ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар республикамизда кексаларимизга кўрсатиб келинаётган эзгу ишларнинг кўлами янада кенгайгани, пиру бадавлат отахон-онахонларимизнинг ҳаёт йўллари ёш авлодга ибрат ва-зифасини ўташини таъкидлашди.

– Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад катта ҳаётий тажрибага эга нуронийларнинг ёш авлодни юксак маънавиятли, ватанпарвар, фидойи инсонлар этиб тарбиялашдаги ролини кучайтириш, ёшларнинг диний-маърифий билимларини оширишдир, – дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. – Бой тарихимиз ва аждодларимизнинг келажак авлодга қолдирган ўғитларини ёшлар онгига чуқур сингдириб боришда бу каби тадбирларнинг ўрни бекиёсдир.

Дарҳақиқат, ёшларни тўғри йўлдан адашмасликлар учун уларга тўғри маслаҳат бериб, эзгу ишларга жалб қилишга ҳам биримиз масъулмиз. Тадбир сўнгига туман Маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари ва ёш ижрочилар томонидан куй-қўшиқлар янгради.

Зафар НАЗАРОВ

Экология

РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда аҳоли фаоллигини кучайтириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли саломатлигини асрашда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим омил бўлиб қолмоқда таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунида экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторинги соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ давлат ташкилотлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар экологик назорат жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Юртимизнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлашга экотизимларни асраш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Шу мақсадда маҳаллаларда экология ва табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари шакллантирилиб, улар ҳудудда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш, ободонлаштириш тадбирларида фаол иш олиб бораётди.

Тадбирда фуқаролик жамиятида экологик назоратнинг ўрни ва роли, экологик назоратнинг асосий тамойиллари каби мавзуларда мазрузалар тингланди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Фан

ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти профессор-ўқитувчилари пахта толаси тойларини ўрайдиған материал яратишди.

Ушбу илмий лойиҳа пахта толаси тойларини қадоклашда ўзига хос қулайлик яратганлиги, пахта толаси тойлари анча ихчам қўрилишга келганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилди. Сабаби пахта sanoatини ривожлантиришнинг даврининг ўзи талаб этмоқда. Чунки Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунё мамлакатлари орасида олтинчи ўринда, пахта экспорти бўйича бешинчи ўринда туради. (ЎЗ мухбири)

2015 йил 24 август куни соат 15:00 да Тошкент давлат техника университети ҳудудда жойлашган ошхона, буфетларни ихарага бериш мақсадида тендер танлови ўтказилишини эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй.

Тел: 246-46-00, 246-43-00, 246-54-32.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
бошқармаси Тошкент алоқа
касб-ҳунар коллежининг вакант
(бўш) бўлган директор
ўринбосарлари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари		
1.	Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй.
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1.	Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй.
Касбий таълим бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1.	Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй.
Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1.	Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй.

1.Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарига малака талаблари:

Академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларида камид битта ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли, маданият ҳамда спорт таълимлари тизимидаги педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти, иш стаж 5 йилдан кам эмас.

2.Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига малака талаблари:

Академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларида камид битта ёки касбий фанлари бўйича олий маълумотли, таълим тизимидаги иш стаж 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси – катта ўқитувчидан кам эмас.

3.Касбий таълим бўйича директор ўринбосарига малака талаблари:

Академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларида камид битта ёки касбий фанлари бўйича олий маълумотли, таълим тизимидаги иш стаж 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси – катта ўқитувчидан кам эмас.

4. Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарига малака талаблари:

Академик лицей, касб-ҳунар коллежининг хўжалик соҳасида иш стаж 5 йилдан кам эмас, олий маълумотли.

Арзизлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Солиқ академияси сайланиш муддати тугаган, танловдан ўтгунга қадар
лавозимига тайинланган педагог ходимларнинг лавозимларини қайта эгаллаш
учун, шунингдек бўш (вакант) кафедралар мудри, профессор-ўқитувчилар
лавозимларини жамлаш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

«Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- профессор –	3 нафар;
- доцент –	2 нафар;
- катта ўқитувчи –	2 нафар;
- ўқитувчи –	1 нафар.
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- профессор –	1 нафар;
- доцент –	2 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар;
- ўқитувчи –	1 нафар.
Молия ва кредит кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- профессор –	1 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар.
Иқтисодий фанлар кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- профессор –	1 нафар;
- доцент –	1 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар;
- ўқитувчи –	1 нафар.
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- профессор –	1 нафар;
- доцент –	2 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар;
- ўқитувчи –	1 нафар.
Юридик фанлар кафедраси	
- профессор –	1 нафар;
- доцент –	1 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар.
Тиллар кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- доцент –	1 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар;
- ўқитувчи –	1 нафар.
Информацион технологиялар кафедраси	
- доцент –	1 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар.
Жисмоний тарбия кафедраси	
- кафедра мудри –	1 нафар;
- катта ўқитувчи –	1 нафар.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАРГА
ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:**

Кафедра мудирларига:

• ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.

• Йўналиши бўйича камид 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Профессорларга:

• ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлиши.

• Камид 5 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, таълим йўналиши бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган номзод илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс бир муддатга қатнашиши мумкин.

Доцентларга:

• ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан номзоди илмий даражасига, доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.

• Камид 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам бир муддатга қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи ва ўқитувчиларга:

• Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўникмаларга эга;

• Дунё ОТМ бўйича 300 та ўринда турган таълим муассасаларини битирган ва PhD дипломига эга бўлган.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАР УЧУН
ҚЎЙИДАГИ ХУҲЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:**

• Ректор номига ариза;
• сўровнома;
• таржimai ҳол;
• 1 дона 4х5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёпиштирилган ҳолда);
• иш жойидан тавсифнома (хўжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
• олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
• кафедра мудри, профессор номзодларига;
• фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги хўжат;
• илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги хўжат;
• чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар.
• меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси.

Эълон чиққан кундан бошлаб хўжатлар бир ой давомида қабул қилинади.

Хўжатлар Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси 210-хонада қабул қилинади. Тел: 217-44-87.

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежи қачон очилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юсак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хийбонлар, фаворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўймоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва кўчалар-лаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўнга саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Долзарб мавзу

САЛОМАТЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Овқатланишнинг ҳам ўзига хос тартиблари борки, ҳар ким унга ёши, саломатлик даражаси ва меҳнат қилиш туридан келиб чиқиб ёндашиши тавсия этилади.

Баъзилар ҳар кун ёғли ва юқори калорияли таомларни истеъмол қила, тўғри овқатлана-йпмиз, деб ўйлайди. Мутахасссларнинг таъкидлашича, юқори қувватли таомларни мунтазам тановул қилиш, шу билан бирга, камҳара-катлилик қон босими, қандли диабет, инсульт, миокард инфаркти, буйрак ва меъда-ичак ти-зими аъзолари касалликларининг юзага кели-шига сабаб бўлади.

Тиббиёт илми султони Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида тўғри овқатланиш ва унинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, «Кимки соғлом турмуш тарзига эришмоқчи бўлса, ўз соғлигини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қили-наётган овқатнинг сифатига, микдорига, овқат-ни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборини қаратмоғи ло-зим», деб таъкидлаган.

Одатда кўплаб касалликлар нотўғри овқат-ланиш оқибатида юзага келади, — дейди Тош-кент тиббиёт академияси биринчи клиникаси диетологи Карима Жабборовна. — Ҳозирги кун-да одам организмидан кунда 13 турдаги витамин-лар зарурлиги фанда исботланган. Булар каль-ций, натрий, магний, калий, фосфор, йод, те-мир ва бошқа моддалар. Уларни биз асосан мева-сабзавотлар, кўкатлар, полиз ҳамда сут, гўшт, парранда, балиқ, тухум, дуқакли маҳсу-лотлардан оламиз. Умуман олганда, ёзги озиқ-овқатлар таркибини 28 фоиз ёғ, 55 фоиз оқсил, 17 фоиз углеводлар ташкил этиши керак. Шу боис ёз мавсумида окрошка, гўжа каби пар-ҳезли таомларни истеъмол қилиш тавсия қили-нади. Улар ҳам тўйимли, ҳам мазали.

Ёз фаслида кўпроқ суюқликлар ичиш тавсия этилади. Мутахассслар фикрича, бир кеча-кундузда инсон ўз вазнининг ҳар килограмми-га 30 миллилитрдан сув истеъмол қилиши ке-рак. Масалан, 50 килограмм вазндаги одам суткасига 1,5 литр сув ичиши зарур. Суюқлик-лар инсон организмидан токсинларни ювиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ёзда дастурхонимизда тоблаб пиширилган сабзавотлар, янги узилган мевалар, дуқакли ўсимликлар, қайнатилган таомлар, қатик, тво-рог каби сут маҳсулотлари бўлиши тавсия эти-лади. Бу каби минераллар ва оқсилларга бой маҳсулотлар организмда моддалар алмасуви-ни яхшилайдди, иммунитетни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-синининг 2015 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатлани-ши соҳасида амалга оширилаётган чора-тад-бирларни янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори инсон саломатлигини асраш, касал-ликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тар-зининг муҳим омили бўлган тўғри ва рационал овқатланиш маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом овқатланиш маданиятини юксалти-риш аҳоли саломатлигини асрашнинг муҳим омилларидандир, — дейди пойтахтимизнинг Ол-мазор туманидаги 15-оилавий поликлиника ши-фокори Хожаабдуллоҳ Хожиҳамедов. — Тўғри овқатланиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда уларнинг сифатига эътибор бе-риш, мувофиқлик сертификатини текшириш ло-зим. Қўлбола усулда тайёрланган ва ноқону-ний жойларда сотилаётган маҳсулотлардан эҳтиёт бўлган маъқул. Шу мақсадда турли дав-лат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда хонадонларда тўғри овқатланиш қоидалари, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, овқатдан заҳарланиш, диарея, ботулизм ва бошқа ўткир ичак касалликларининг олдини олишга бағишланган тарғибот-тушунтириш иш-ларини мунтазам олиб бормоқдамиз. Зеро, ҳар бир инсоннинг соғлом бўлиши ва узоқ умр ке-чириши унинг соғлом турмуш тарзига нечоғли риоя этишига боғлиқ.

Шахноза МАМАТУРОВА,
ЎЗА муҳбири

Спорт янгиликлари

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ
ҒАЛАБАСИ

«Дэвис кубоги»нинг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳ иккинчи босқич учрашувида Ўзбекистон миллий терма жамоаси теннисчилари Жанубий Корея вакиллари 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

1900 йилдан буён мунтазам ўтказиб кели-наётган «Дэвис кубоги» терма жамоалар ишти-рок этадиган энг нуфузли мусобақада. Ўзбе-кистон терма жамоаси жаҳон лигасининг плей-офф баҳсида иштирок этадиган саккиз терма жамоадан бирига ай-ланди.

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида ўтган мусобақанинг як-каликлар ўртасидаги дастлабки кунги баҳс-ларида теннисчимиз Денис Истомин Сеонг Чан Хонгни 6:2, 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Фаррух Дўстов Чун Хёнга 6:7, 6:4, 6:3, 7:6 ҳисобида имкониятни бой берган эди.

Қоидага биноан мусо-бақанинг иккинчи кун-да жуфтликлар баҳси ўтказилди. Унда Денис Истомин ва Фаррух Дўстов жуфтлиги Жи Сунг Нам ва Мин Ю Сонгга қарши кортга чиқди. Кескин кураш-

ларга бой ўтган учра-шувида ҳамюртларимиз 6:2, 7:5, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Дэвис кубоги»нинг сўнгги кунда Денис Истомин Чун Хёнга қарши кортга чиқди. Баҳснинг биринчи сети-ни 6:1 ҳисобида ўз фой-дасига ҳал этган тен-нисчимиз иккинчи сет-да 1:0 ҳисобида олдин-да бораётган эди, бироқ рақиби баҳсни давом эттиришдан бош тортди, мағлубиятини тан олди. Ҳамюртларимиз ўз ол-дига қўйилган вазифа-ни муддатидан олдин урдагани боис сўнгги ўйинда ёш истеъдодли теннисчи Темур Исмои-ловнинг имконияти си-новдан ўтказилди. Бироқ теннисчимиз Сеонг Чан Хонгга қарши ўтган уч-рашувида мағлубиятга уч-ради.

Шу тариқа Ўзбекис-тон ва Жанубий Корея терма жамоалари ўрта-сидаги учрашув 3:2 ҳисобида ҳамюртлари-миз фойдасига якун-ланди.

Ж.ТОШХҲАЕВ

Жорий йилги мавсумда ҳам олий лиганинг «Бунёдкор» клубида тўп сурган маҳоратли чармтўп устаси, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Сардор Рашидов айни кунларда Қатар пойтахти Доҳада бўлиб турибди.

САРДОР
РАШИДОВ
ҚАТАРДА

Гап шундаки, эндиликда Сардор Ра-шидов ўз фаолиятини Қатарнинг «Ал-Жаиш» жамоасида давом эттиради. Аммо, матбуот хабарларига кўра Сар-дор Рашидовга Франциянинг «Нант» клу-би ҳам қизиқиш билан қараётти. Айтиш жоизки, ўтган мавсум якунларига кўра 20 та жамоа орасида Францияда «Нант» жамоаси 14-ўринни эгаллаган. Якунда Сардор Рашидов фаолиятини «Ал-Жаиш» жамоасида давом эттиришини маълум қилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИГА
БАНГЛАДЕШ МЕЗБОНЛИК
ҚИЛАДИ

Осиёнинг футболи ривожланган давлатлари қаторига кирадиган Баҳрайн давлатида келаси йили 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилади.

Ушбу мусобақада совриндорлар қаторидан жой олиш вазифаси юклатилган Жасур Абдураимов бошчилигидаги 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси турнирга режа асосида тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг саралаш ўйинларида «А» гуруҳидан ўрин олган. Қўрға натижаларига кўра, умидли ёшларимиз гуруҳ босқичида Бангладеш, Покистон, Шри-Ланка ва Бутан терма жамоаларига қарши майдонда тўп суришади.

Осиё футбол конфедерациясининг сўнгги қарорига кўра, Шри-Ланка гуруҳ ўйинларига меҳмонлик қилмайдиган бўлди. Мазкур гуруҳ ўйинларини муносиб равишда ўтказиш футболи энди ривожланиш оstonасидаги Бангладеш давлатига ишониб топширилди. Бангладешдаги саралаш ўйинлари 28 сентябрда бошланиб 6 октябрга қадар давом этади. Гуруҳда биринчи ўринни эгаллаши кутилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақани 2 октябрь кун Шри-ланкалик тенгдошларига қарши ўйин билан бошлайди.

Ботир БЕК

СПОРТ — СОҒЛИК ГАРОВИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан «Ёшлар «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Спорт — соғлиқ гарови» шиори остида «Биз буюк юртнинг соғлом фарзандларимиз!» деб номланган сузиш мусобақаси ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар ша-ҳарчаси Етакчилар Кенгашининг мутахассиси Фоят Тўлағанов.

Қизгин ва мurosаларга бой тарзда ўтган мусобақада Мирза Голиб номли маҳаллада исти-комат қилувчи Мирсаид Соди-қов чалқанчасига сузиш бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Эркин сузиш баҳсида эса «Уни-верситет» маҳалласида истико-мат қилувчи Сардор Давронов мутлақ голибликка эришди.

Мусобақа ниҳоясида фаол иштирок этган ёшлар ташкилот-чиларнинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақ-дирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

сасанинг 21380 нафар бошланғич ташкилот аъзолари баҳслашди. Бу мусобақага қизи-қиш йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрса-тади.

Мусобақанинг финал учрашуви Хоразм ви-лоятининг «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси ва Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани «Таллимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Қизгин ва мurosасиз ўтган учрашувида «Таллимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси жамоаси 3:0 ҳисобида ғала-ба қозониб, «Камолот» кубогини қўлга кирит-ди.

Учинчи ўрин учун кечган учрашувида Тош-кент вилоятининг «Оҳангаронцемент» акция-дорлик жамияти вакиллари Андижон вилоят-ининг Кўргонтепа тумани «Сувоқова» шўъба кор-хонаси жамоасини 4:3 ҳисобида енгди.

(ЎЗА)

ТУРНИР ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти аъзолари ўртасида мини-футбол бўйича «Камолот» кубоги турнирининг республика босқичи ўтказилди.

«Камолот» ЁИХ томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбе-кистон мини-футбол ассоциацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорли-гида ташкил этилган мусобақада ҳудудлараро минтақавий босқичда голибликни қўлга кирит-ган тўртта жамоа иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мар-казий кенгаши раисининг биринчи ўрин-

босари Ф.Мухаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамоли-гида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғуллани-ши, истеъдодини намойён этиши учун барча шарт-шароит яратилаётганини таъкидлади.

2014 йилда турнирнинг туман, шаҳар бос-қичларида 1624 жамоа иштирок этган бўлса, жорий йилда 2138 корхона, ташкилот ва муас-

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6711 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10